



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 20.06.2022 г. № 93

между МЧЖ "ККАвтожолжойбар" и Коракалпогистон Республикаси худудий автомобиль йуллари Бош бошкармаси на общую сумму 58300000,00

Глава _____ 118
Казначейский лицевой счёт _____ 304510860354017045151118001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	58 300 000,00			58 300 000,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	58 300 000,00			58 300 000,00

Всего 58300000,00 сум

Пятьдесят восемь миллионов триста тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или 30%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Алламберганов Мадад Бекбергенович

Ф.И.О.

(подпись)

Палекеев Зарипбай Жумабаевич

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения _____

(подпись)

Получил работник
заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун

93 - сонли ШАРТНОМА

Нукус ш.

« 20 » 06 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақолпоғистон Республикаси автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси” номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиги М.Алламбергенов ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи “QQAUTOJOLJOYBAR” масъулияти чекланган жамияти номидан ишончнома асосида иш юритувчи директори А.Орынғалиев орқали қуйидаги шартномани туздилар:

3. Шартнома предмети

- 1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса “Қорақолпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятидаги автомобил йўллари жорий таъмирлаш” ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни ўз зиммасига олади. Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш билан боғлиқ ишларга тузилган.
- 1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

- 2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси 15% ҚҚС билан 58 300 000 (Эллик саккиз миллион уч юз минг) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.
- 2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.
- 2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.
- 2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

- 3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.
- 3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.
- 3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.
- 3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.
- 3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

11. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

11.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

12. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

13. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиладди ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хулосаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хулосасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида хал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечиктирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиҳа ишларини аниқлаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022-йил 31 декабргача.

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БУЮРТМАЧИ»

«Қорақолпоғистон Республикаси
автомобил йўллари ҳудудий бош
бошқармаси»

Манзил: Нукус ш. Хужейли гузары 16/1

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 200349889 ОКЭД: 84130

Лс: 304510860354017045151118001

Молия Вазирлиги газначилиги

МФО: 00014 ИНН: 201122919

РКЦ ГЛ.Упр.ЦБ г.Ташкент Казн.МФРУз

Бошлик:

М.Алламбергенов

«БАЖАРУВЧИ»

«QAVTOJOLJOYBAR» масъулияти чекланган
жамияти

Нукус шаҳри, А. Дабиллов кўчаси, 4-уй
Х/р: 20208000100314652001

Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)

МФО: 01038 ИНН: 200 362 755

ОКОНХ 66000

ОКЭД: 71120

Директор:

А.Орынғалиев

QARAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI AJABB
HUQUQ MA'SLAXATSINCHI
Ш.А. Якубов



Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз куйида имзо куйувчилар "Қорақолпоғистон Республикаси автомобил йўллари худудий бош бошқармаси" директори М.Алламбергенов ва "QQAUTOJOLJOYBAR" масъулияти чекланган жамияти директори А.Орынғалиев, "Қорақолпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятидаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш" ишларининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш тугрисида « 20 » 06 2022 йил 93 -шартнома баҳосини 15% ҚҚС билан 58 300 000 (Эллик саккиз миллион уч юз минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз. Ушбу Баённома Буюртмачи ва Бажарувчи уртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

**"Қорақолпоғистон Республикаси
автомобил йўллари худудий бош
бошқармаси"**

Манзил: Нукус ш. Хужейли гузары 16/1
х/р: 23402000300100001010
ИНН: 200349889 ОКЭД: 84130
Лс: 304510860354017045151118001
Молия Вазирлиги газначилиги
МФО: 00014
РКЦ ГЛ.Упр.ЦБ г.Ташкент Казн.МФРУз
ИНН: 201122919

Бошлик

М.Алламбергенов

«БАЖАРУВЧИ»

**"QQAUTOJOLJOYBAR" масъулияти
чекланган жамияти**

Нукус шаҳри, А. Дабилов кўчаси, 4-уй
Х/р: 20208000100314652001

Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)
МФО: 01038 ИНН: 200 362 755
ОКОНХ 66000
ОКЭД: 71120

Директор

А.Орынғалиев



Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш

С М Е Т А С И

Объектнинг номи: "Қорақолпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятидаги автомобил йулларини жорий таъмирлаш" ишларининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш"

Буюртмачи ташиқлотнинг номи: "Қорақолпоғистон Республикаси автомобил йуллари худудий бош бошқармаси"


Лойиҳа ташиқлоти номи:

"QQAUTOJOLJOYBAR" МЧЖ

Т/р	Ишларнинг номи	Асос	Баҳосини ҳисоблаш	Баҳоси 15% ҚҚС билан, минг сўм
1	2	3	4	5
	"Қорақолпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятидаги автомобил йулларини жорий таъмирлаш" ишларининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш"	Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом 2019йил		50 695,652
	ҚҚС 15%		$50\,695,652 \times 0,15 =$	7 604,348
	Жами тўлов учун			58 300,000

Смета буйича жами: 58 300 000 (Эллик саккиз миллион уч юз минг) сўм.

Тузди


(имзо)

Даулетярова Г.

2022 йил « 20 » 06

93 -сонли шартномага

3 -илова

**“Қорақолпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятидаги
автомобил йулларини жорий таъмирлаш” ишларининг лойиҳа-смета
ҳужжатларини тайёрлаш**

(22110012099966-сонли лот танловга асосан.)

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сум.

Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш	
		муддати	қиймати	муддати	қиймати
Аванс тўлови		2022		2022	17 490,00
Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш	58 300,000	2022	58 300,000	2022	40 810,00
Жами:	58 300,000		58 300,000		58 300,00



Буюртмачи.

Бажарувчи.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қорақалпоғистон Республикаси
Автомобиль йўллари

бош бошқармаси бошлиғи

М.Алламбергенов



2022 йил “20” июнь

Нукус шаҳри

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларининг жорий таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш бўйича режалаштирилган объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун бажарувчи ташкилотларнинг таклифларини танлаб олиш бўйича ўтказилган харид комиссиясининг **24-сонли йиғилиш**

БАЁННОМАСИ

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармасининг 2022 йил 4-март кунги №21-О буйруғи асосида тасдиқланган харид комиссия аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Харид комиссияси раиси:

М.Алламбергенов

-Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи;

Харид комиссияси аъзолари:

Р.Ибрагимов

-Бошқарма бошлиғи ўринбосари;

Е.Қосбергенов

-Бош бошқарма Молия-иқтисодиёт бўлими бошлиғи;

П.Кайратдинов

-Бош бошқарма Ички аудит бўйича бош мутахассис;

А.Отегенов

-Бош бошқарма Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўйича бош мутахассис;

Комиссия котиби;
Ж.Гаипова

- Бош бошқарма Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва техник ҳолатини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи;

Кун тартибида

I. Кун тартибидаги масала юзасидан - Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи - комиссия раиси М.Алламбергенов, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги Давлат харидлар тўғрисидаги 684-сонли Қонунинг 58 моддасига асосан Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни **Умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича махсус ахборот портали орқали 100055, 100043, 100034, 103629, 99982, 99977, 99966, 99935, 99904** лот билан давлат харидларининг

электрон тизимига жойлаштирилди. Ушбу Қонун талабларига биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларининг лойиҳа-смета хужжатларини бажарувчи ташкилотларининг энг яхши таклифларини белгиланган тартибда танланди ва **бошқа ҳеч қандай шикоят келип тушмади.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлар тўғрисидаги Қонун ва юқорида кўрсатилган маълумотларди ҳисобга олиб Харид комиссияси





Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича №100055 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “Жайхун Жол Жойбар”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича №100043 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “Жайхун Жол Жойбар”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича №100034 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “Жайхун Жол Жойбар”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги кўкаламзорлаштириш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 103629 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 99982 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 99977 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
7. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 99966 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги кўкаламзорлаштириш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 99935 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.
9. Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан умумфойдаланувдаги кўкаламзорлаштириш ишлари лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш автомобиль йўлларини бўйича танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари бўйича № 99904 лот бўйича энг яхши таклифни тақдим қилган **МЧЖ “QQAВТОJOLJOYBAR”** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.


2. Танлаш орқали ғолиб булган тошкилот танлаш шартлари асосида шартнома тузишни рад этган тақдирда шартнома тузиш хуқуқи тақлифи бўйича энг яхши булган кейинги иштирокчига (резерв) берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, энг яхши тақлифлар танлаш ғолиби бўлган лойихачи ташкилотлар ўз тақлифларида кўрсатилган нархларда объектларнинг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари хужжатларини сифатли тартибда таёрланишига масъул бўлган холда, объектларни бошланғич нархларини жорий нархларда шакллантириш вазифаси ғолиблари зиммасига юклатилсин. Танлаш ўтказиш бўйича талабгорлар энг яхши тақлифларини кўриб чиқиш хақидаги йиғилиш баёни давлат хариди комиссияси аъзолари томонидан очик ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Хариди комиссияси аъзолари:

 Р.Ибрагимов
 Е.Косбергенов
 П.Кайратдинов
 А.Отегенов

Комиссия котиби;

 Ж.Гаипова



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QQAVTOJOLJOYBAR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyekting tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QQAVTOJOLJOYBAR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.02.2003

1208

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200362755

Tashkiliy-
huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan
joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus shahri, Nukus shahar hokimiyatiga
qarashli shaharchalar, Abbaz Dabilov ko'chasi, 4 uy.

Guvohnoma.

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)





№ 8163-305e-3d06-33f2-b4d0-2271-7161
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-02-07
Ариза рақами: 16625886

Ҳужжат берилган ООО "QQAВТОJOLJOYBAR"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200362755

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

ООО "QQAВТОJOLJOYBAR" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги.
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 07-02-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000554

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 200362755


Юридик шахснинг почта манзили: ГОРОДСКИЕ ПОСЕЛКИ, ПОДЧ. НУКУСРЕСПУБЛИКА
КАРАКАЛПАКСТАН, Г. НУКУС

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низога мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги тегишли маълумотларни ҳисоблаш учун ҳоро.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг рақамли қиритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7795





Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Нукус филиали

Nukus sh., ТУРТКУЛ ГУЗАРЫ 121 | Тел: +998532229453 | Факс: +998532229453 | E-mail:

№1735401/R-A008184

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлардан

КЎЧИРМА

«21.02.2019» да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус Давлат хизматлари Маркази орқали келиб тушган 6092730-сонли буюртма асосида маълум қиламизки, 23:17:01:03:02:0119 кўчмас мулк объекти бўйича Давлат реестрига қуйидагича ёзув киритилди:

Кўчмас мулк объекти тури:

1. Кўчмас мулк объектининг номи: Бино-иншооат
Кадастр рақами: 23:17:01:03:02:0119
Жойлашган жойи: Айдынжол МПЖ А.Дабылов 4жай
Рўйхатдан ўтказилди:
2.1 Ҳуқуқ эгаси: ООО "ККАВТОЖОЛЖОЙБАР"
Ҳуқуқ тури, ҳуқуқдаги улуш: Ер участкасига: доимий фойдаланиш
Бино-иншооатга: мулк ҳуқуқи, 100%
2. Давлат рўйхатидан ўтган сана: 22.02.2019
Реестрнинг тартиб рақами: 1735401/11832
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат
реквизитлари: Маҳаллий ҳокимият органи қарори, 23.01.2019 йил
№4768998 -сонли далолатномаси (АКТ)
3. Бошқа маълумотлар:
3.1 Маълумотнома оловчи:



Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ниҳомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун davreestr.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига ўшбу шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.